## Ўзбекистон - АҚШ:



# даврнинг янги воқеликлари – ҳамкорликнинг янги қирралари



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ўз навбатида, энг аввало, турли даражалардаги икки томонлама алоқаларнинг жонланганида ўз ифодасини топди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистонга АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфелд икки маротаба келди, давлат котиби К.Пауэлл, сенаторлар Т.Дэшл, К.Левин, Ж.Уорнер, Ж.Либерман, Ж.Маккейн, Ч.Хегель, конгрессменлар Ж.Колби, Э.Точер ва АҚШнинг бошқа юқори мартабали кишиларининг ташрифлари бўлиб ўтди.

Албатта, сенатор Ж.Либерманнинг мамлакатларимизаро ҳамкорликнинг ҳозирги даражасини лўнда таърифлаб берган ушбу фикрисиз, яъни «Биз Ўзбекистонсиз Афғонистондаги аксилтеррор операцияларида муваффақиятларга эриша олмас эдик», деган сўзларисиз, юқорида келтирилган далилларни фақат санаб ўтишнинг ўзи билан чекланиш манзарани тўла очиб беролмайди.

Бугунги кунда Тошкент ва Вашингтон Афғонистоннинг тинчлик йўли билан тикланишига кўмаклашиш мақсадида ўзаро самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон том маънода турли халқаро ташкилот ва мамлакатларнинг инсонпарварлик юкларини кенг миқёсда Афғонистонга етказиб беришнинг асосий марказларидан бири бўлиб қолди.

Эътироф этиш керакки, бу, энг аввало, минтақамиз халқлари ва давлатларининг манфаатларига мос келади.

Шу билан бирга Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг жамиятда демократик ўзгаришларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг боришига фаол кўмаклашади.

АҚШ билан иқтисодий ҳамкорлик суръатларидан, дарҳақиқат, кўп нарса кутиш мумкин, улар салмоқли салоҳиятга эга ва яқин вақтлар ичида бу ҳамкорлик яна ҳам ривож топиши мумкин.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг АҚШ билан ташқи савдо айланмаси қарийб 300 миллион долларни ташкил этади.

Яхши истиқбол яратилишига кўмаклашадиган икки томонлама намунали ҳамкорликка эса кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Америка компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётининг турли жабҳаларида қатор устувор сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этмоқда.

«Зарафшон - Ньюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўзкейсмаш», «Ўзкейстрактор», «Ўз-Эксайд» қўшма корхоналари сингари фаолиятда бўлган йирик сармоявий лойиҳалар, «БиЭсАй» компанияси билан Хўжаобод ерости газ омбори қурилиши ҳамда «АББ Луммус Глобал» билан полиэтилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган Шўртан газ-кимё комплекси, «Бейкер Хьюз» Америка компанияси билан Қашқадарёдаги Шимолий Ўртабулоқ конида нефть қазиб олишни кўпайтириш сингари ва бошқа лойиҳалар ана шулар жумласидандир.

Умуман олганда, ҳозир Ўзбекистонда Америка сармоядорлари иштирокидаги 305 та корхона самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки АҚШ Эксимбанки суғурта қопламаси остида 15 кредит битими ва 2 лизинг шартномасини имзолаган. АҚШ савдо ва ривожланиш агентлиги коммуникация, транспорт, соғлиқни сақлаш, нефть ва газ конларини ўзлаштириш тизимини ривожлантириш соҳаларидаги лойиҳалар бўйича техникавий-иқтисодий асослаш учун қарийб 6 миллион доллар миқдорида грант ажратди.

Икки мамлакат давлат раҳбарлари ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистон — АҚШ» қўшма комиссияси фаолияти ҳам ўзаро муносабатларнинг сезиларли даражадаги ўсувчан ва жадал эканлигидан далолат беради.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам муносабатлар фаол ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида юзлаб ўзбек ёшларининг вакиллари «Умид» жамғармаси йўналиши ва АҚШ ҳукумати дастурлари бўйича Американинг кўпгина университетларида таҳсил олишди ва бу Ўзбекистоннинг дунёвий ҳамда демократик давлатчилиги йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатларига кўмаклашадиган муҳим асослардан биридир.

Ўзбек халқининг кўҳна тарихи ва бой маданияти ҳам Америка жамоатчилигининг қизиқишини ўзига жалб этмоқда. АҚШнинг Бостон, Нью-Йорк, Сан-Франциско, Вашингтон, Чикаго сингари йирик шаҳарларида америкалик таниқли олим ва саховатли инсон Гвидо Голдманнинг ипак матолар шахсий коллекцияси кўргазмаси катта акс-садо берди.

Ларен Грей хоним раҳбарлик қиладиган ўзбек рақси ҳаваскорлари жамиятини Ўзбекистонда яхши билишади. Ўзбек мусиқаси ва рақсини тарғиб этиш борасида Нью-Йоркдаги «Мақом» ансамбли кўп ишларни амалга оширмоқда.

Мамлакатимиз муштарак манфаат ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг янада ривожланишини назарда тутадиган Ўзбекистон — Америка муносабатларининг келажагига ишонч билан қарайди.

Ўзбекистон Президентининг икки мамлакат, шунингдек, халқаро майдон саъй-ҳаракатларининг мувофиқлашуви учун сезиларли туртки беришга хизмат қиладиган АҚШга буюрилажак ташрифи давомида томонлар янги воқеликлар шароитида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий заминини, муҳими келажакдаги алоқа ва учрашувлар учун узоқ муддатли асосни яратишни мўлжаллаганлар.

**Шуҳрат ЁҚУБОВ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.

*Хотира*



# Эъзоз ва ардоқ соҳибаси

Баҳор Зулфия опа туғилган кундан бошланади. Борлиқда нилий бир гўзаллик, латофату малоҳат. Қалбларда шоира хотираси, ёниқ сатрлари. Бир пайтлар шоира «Баҳор келди сени сўроқлаб», — дея куйиб-ёниб Ҳамид Олимжонни дараклаган бўлса, бугун шеърият шайдолари Зулфия опа хотирасига ҳам ана шундай мурожаат қилмоқдалар. Омон аканинг оппоқ сочларида ҳам, Ҳулкар опанинг тимқора ўйчан кўзларида ҳам адоқсиз бир соғинч яшайди. Бу соғинчни фақат кўнгил билангина туйиш мумкин. Беихтиёр С.Саййиднинг қуйидаги тўртлиги хотирга келади:

***Ярим минорларим ер остидадир,***
***Мен деб ёнорларим ер остидадир.***
***Сенинг чинорларинг ер узра, эй дўст,***
***Менинг чинорларим ер остидадир.***

Бугун юртимизда баҳор кезмоқда. Тошкент шаҳридаги Зулфияхоним номи билан аталувчи кўча ҳам баҳор оғушида. Бу кўчада яшовчиларнинг 7 дан 70 яшаригача шоира ижоди билан яхши таниш. Айни кунларда улар Зулфия ва Ҳамид Олимжон асарларидан иборат кутубхона очиш ниятидалар. Зулфиялар, Ҳамидлар, Омонлар ва Ҳулкарлар бисёр бу кўчада. Улар ўзларининг бийрон ва бурро тилларида ҳар икки забардаст шоир ижодидан намуналар ўқиб, ҳамманинг ҳавасини келтиришади.

— Зулфия опа ҳар томонлама эъзозга лойиқ аёл эди, — дейди шоира билан қадрдон бўлган журналист Исмоил Сулаймонов. — Унинг сўзлаши-ю юриш-туришидан тортиб, кийиниши, ўзини тутиши, атрофдагиларга муносабати ғоят гўзал бўлган. У ўзбек аёлининг аниқ-тиниқ намунаси десам ҳеч ким эътироз билдирмас. Шеърларидаги дард, ҳарорат ва одамийлик ўқувчини ўзига мафтун айлайди. Уни ҳамма ҳурматларди ва севарди. Академик шоиримиз Ғафур акам (Ғафур Ғулом) у ҳақда «Муаззам Шарқ намоёндур сенинг покиза жисмингда»,— мисраларини бежиз ёзмаган. Зеро, у ҳамиша биз билан бирга. Ҳар баҳор билан бирга у ҳам янгидан туғилаверади. Бундай буюк ва суюк бўлмоқлик ҳар кимга-да насиб этавермайди.

Исмоилжон аканинг гапларини шоиранинг садоқатли шогирдларидан бири Санъат Маҳмудова давом эттиради:

— Аввало, Зулфия опамдек шоира ва ажойиб инсон билан кўп йиллар бирга ишлаганимдан фахрланаман. У Гулчеҳрани, Ойдинни, Эътибор Охуновани, Ҳалимани — ҳамма-ҳаммамизни бирдай яхши кўрар, ҳеч қачон ёрдамини аямасди. Бирорта ёш шоир ёки шоиранинг яхши шеърларини газета-журналда ўқиб қолса, албатта катта бошини кичик қилиб, у билан қўнғироқлашар ва табрикларди. Бугунги кунда эса Зулфия номидаги мукофот соҳиблари, Зулфия қизлари сафи йилдан-йилга ортиб боряпти. Куни кеча қабрларини зиёрат қилиб келдим. Қизиқ, қабрларидан ҳам нур таралиб тургандай гўё.

Республика «Нуроний» жамғармасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Хосият Ёқубжонованинг Зулфия опага ихлоси жуда баланд. Улар эскидан қадрдон ва дўст бўлишган. Хосият опа у ҳаётлигида туғилган кунида уйига бориб табрикларди. Мана, олтинчи йилдирки, у жамғармага шоиранинг ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари ва шеърият мухлисларини чорлаб, унинг хотирасини ёдлайди. Куни кеча ҳам ана шундай тадбир ўтказилди. Залнинг тўрига қўйилган шоира портрети алвон гулларга кўмилиб кетди.

Ҳа, ўз ижодини халққа бағишлаган шоира ҳамиша халқи қалбида ва эъзозидадир.

Ҳа, ҳар йили баҳор қайтиб келаверади, у билан бирга Зулфия опа ҳам...

**Гулчеҳра ҲУСАНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Зулфия
# Демак, баҳор келди

*Синди қиш тўқиган муз ҳисли қафас,*
*Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.*
*Она нигоҳидай мулойим нафас*
*Замину Осмонни бағрига олди,*
*Демак, баҳор келди.*

*Бу нафасдан ерда кексаю ёшнинг*
*Одим, чеҳрасида эзгу рўшнолик.*
*Дов-дарахт кияжак зилол либоснинг*
*Зилол барин тутиб югурар шодлик,*
*Демак, баҳор келди.*

*Келар деб шу сийқа қадим йўл билан,*
*Эзгу интиқликда кўпчибди тошлар.*
*Не такрор, бетакрор илиқ қўл билан*
*Сочмоқда гулларга ишқдан қуёшлар,*
*Демак, баҳор келди.*

*Саховат момоси — тоғнинг кўксидан*
*Қўпириб, айқириб сути тўкилмиш,*
*Зарраси сочилган музлар устида*
*Шошқалоқ ғунчалар чоки сўкилмиш,*
*Демак, баҳор келди.*

*Ҳамиша неъматга ҳомила тупроқ*
*Тўлишган танини солмиш офтобга,*
*Деҳқон қулоғига таниш қўнғироқ —*
*Жаранглар куртаклар етибди тобга,*
*Демак, баҳор келди.*

*Яна бедор, маъсум тун оғушида*
*Одимлайди сирлар, ширин шивирлар.*
*Бетобе шаббода нур ҳовучида*
*Юлдуздан сепмакда жоду, сеҳрлар,*
*Демак, баҳор келди.*

*Келди баҳор! Келар ташлаб уйғониш,*
*Бутун куррамизга битта баҳор у!*
*Одилми, қотилми —*
*ҳар жонга таниш,*
*Меҳр маъбудаси наврўз — наҳор бу,*
*Ахир, баҳор келди.*

*Бу кун йўлларида олов кўп, зор кўп,*
*Жаҳонда қанча жон*
*чиқмайди пешвоз.*
*Деҳқон уруғ сочсин,ўқ очмасин тўп,*
*Қувғин эллар қушдай*
*юртга қайтсин боз,*
*Ахир, баҳор келди.*

*На маъсуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,*
*Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.*
*Давлатлар! Илтижо,*
*фармон, исён бу:*
*Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,*
*Баҳор боқий келсин!..*

*Аянч тақдирларга бўлиб таянчлар,*
*Бахтлига ишонч у, бахтсизга толе,*
*Абад қонунидир элтмоқ севинчлар,*
*Қабоҳат,*
*хунрезлик бўлмасин моне,*
*Баҳор боқий келсин!*

*Ўқ ортган кемалар денгизга ботиб,*
*Чирисин!*
*Тин олсин эллар, оламлар.*
*Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,*
*Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!*
*Баҳор боқий келсин!*


**«ЎзДЭУавто» компанияси Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан табриклайди!**

**Баҳор байрамлари арафасида «ЎзДЭУавто» компанияси 5 та АВТОМОБИЛЬ ютуғи ўйналишини мамнуният билан маълум қилади.**




*Агар сиз антиқа ютуқ —*
**БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛнинг**
*бахтли соҳиби бўлишни истасангиз,* **ШОШИЛИНГ!!!**

**Сизларни 7 мартдан бошлаб компаниянинг дилерлик корхоналари кутмоқда.**
**Ўйинда фақат 2500 автомобиль иштирок этади.**

**Лотерея ўйинида машиналар кузови рақами тўғри келган автомобиль эгалари ютуқ соҳиби бўладилар.**
**Лотерея ўйини Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.**

***Ўйин шартлари:***

- *ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;*
- *автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларидан сотиб олинган бўлиши шарт;*
- *ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;*
- *ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.*




*Матбуотдан хабардор бўлиб туринг:*
*автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.*

*Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!*

*Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.*
**Мулоқот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.**

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари диққатига!*

**«Даврхитектқурилиш» қўмитасига қарашли республика хўжалик ҳисобидаги пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ

***ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА***

## ТЕНДЕР САВДОСИГА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларга, ишончлиликка, тажриба ва нуфузга, зарур одамлар ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа моддий-техник ресурсларга эга бўлиш, шунингдек шартнома (контракт) тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.

### *ФАРҒОНА ВИЛОЯТ «ЎЗЖАМОАҚУРИЛИШ» ТРЕСТИ*

касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа иншоотлар қурилиши учун зарур бўлган ҳар хил қурилиш материаллари: ёғоч ва металл буюмлар, лак-бўёқ маҳсулотлари, сантехника жиҳозларини тендер асосида сотиб олади.

Танлов савдолари (тендер)да мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, корхоналар, ассоциация ва фирмалар қатнашиши мумкин.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар «Даврхитектқурилиш» қўмитасига қарашли республика тендерларни ташкил этиш бошқармаси Фарғона вилояти бўлимига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари лозим:

**Фарғона шахри, А.Навоий кўчаси, 29 «А»-уй (Фарғона вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).**

5419/395

**ТЕЛЕФОН/ФАКС: 26-43-19.**




Сизларни
**Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди**
аҳли номидан кириб келаётган мўътабар хотин-қизлар байрами — **8 март** билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз.

*Узоқ умр, фаровон ҳаёт, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда осойишталик, хотиржамлик тилаймиз. Ҳамма яхши ниятларингиз ижобат бўлсин, ўтган азизларимизни Оллоҳ раҳмат қилсин.*

***Марказий кенгаш ҳайъати.***

5423/449

***Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари қўмитаси, "Ўзгеодезкадастр" бош бошқармаси, "Ўзқишхўжтаъминоттаъмирлаш" давлат концерни, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси вилоят бошқармалари бошлиқлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоятлардаги бўлимлари бошлиқлари, электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари, касб-ҳунар коллежлари директорлари диққатига!***

## ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2001-2002 ўқув йилида битирувчи бакалавр кадрларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришмоқда.

Институтда билим олган бакалаврлар мамлакатимиз аграр соҳасида қўлланилиб келаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равшида ташкил қилишда мукаммал назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар ҳисобланади.

Институтни қуйида келтирилган йўналишлар бўйича битираётган мутахассисларга эҳтиёжи бўлган корхона, ташкилот, уюшма, хўжаликлар талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат қилишлари мумкин. Талабномангизда сиз раҳбарлик қилаётган корхона, ташкилот, уюшма, хўжаликлар ёш мутахассисларга қандай имтиёзлар (турар жой билан таъминлаш, қўшимча иш ҳақи тўлаш ва бошқалар) яратиб бера олиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотларни ҳамда мутахассисни тайёрлаш учун институт томонидан сарфланган харажатларни қисман компенсация қилиш имкониятларини кўрсатган ҳолда, 2002 йил 25 март кунига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Сизнинг эътиборингизга ёш кадрларнинг вилоятлар бўйича маълумотларини илова қиламиз.

***Маълумот учун телефонлар: 137-19-30, 137-09-85.***

### ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИНИ 2001-2002 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| № | Таълим йўналиши | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Фарғона вил. | Андижон вил. | Наманган вил. | Тошкент вил. | Тошкент шаҳри | Сирдарё вил. | Жиззах вил. | Бухоро вил. | Самарқанд вил. | Навоий вил. | Қашқадарё вил. | Сурхондарё вил. | Хоразм вил. | Қорақалп. Респ. | Бошқа республикалар |
| 1. | Сув хўжалиги ва мелиорация | 61 | 1 | | | 11 | 26 | 1 | 1 | 3 | 1 | 3 | 8 | 3 | 2 | 1 | |
| 2. | Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш | 13 | | | | | 4 | 1 | | 1 | 1 | | 2 | 4 | | | |
| 3. | Фермер хўжалигини ташкил этиш ва унинг техник сервиси | 24 | | | | 5 | 12 | | | | 2 | | 2 | 3 | | | |
| 4. | Гидротехник иншоотлар ва муҳандислик коммуникациялари қурилиши | 37 | 2 | | | 5 | 6 | 1 | | 3 | 2 | 6 | 3 | 7 | 2 | | |
| 5. | Агроинженерия | 81 | 1 | | | 28 | 18 | 1 | 3 | 5 | 2 | 1 | 11 | 3 | 7 | 1 | |
| 6. | Атроф муҳит муҳофазаси | 19 | | | 2 | 2 | 4 | | 3 | 1 | | | 5 | 1 | 1 | | |
| 7. | Ер тузиш ва ер кадастри | 43 | 1 | 1 | 3 | 9 | 9 | 3 | 1 | | 2 | 1 | 3 | 5 | 3 | 2 | |
| 8. | Сув хўжалигида менежмент | 99 | 1 | | 2 | 9 | 60 | 1 | 1 | 2 | 1 | | 10 | 7 | 2 | 3 | |
| 9. | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 68 | | 2 | | 12 | 30 | 2 | 1 | 4 | | | 9 | 6 | 2 | | |
| 10. | Электроэнергетика | 13 | | | | 4 | 3 | | 2 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | | |
| 11. | Қишлоқ ва сув хўжалиги энергетикаси | 67 | | | 1 | 5 | 36 | 2 | | 6 | 3 | | 6 | 6 | 2 | | |
| 12. | Касбий таълим (агроинженерия) | 36 | 1 | | | 6 | 15 | 1 | | | 2 | | 4 | 2 | 2 | 3 | |
| 13 | Геодезия ва картография | 21 | 1 | | | 4 | 3 | | 2 | 2 | 2 | 1 | 2 | 4 | | | |
| | **ЖАМИ** | **582** | **8** | **3** | **8** | **100** | **226** | **13** | **14** | **28** | **19** | **12** | **66** | **52** | **23** | **10** | |

5399/380

BANK XALQ BANKI

***Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири —***

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

**30 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА МАТБУОТ ХИЗМАТИ йўналишлари бўйича танлов асосида ишга ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

***Танловда қатнашувчи номзод:***

- *олий иқтисодий маълумотли банк-молия мутахассислигига эга бўлиши;*
- *инглиз (ёки бошқа хорижий) тилини билиши;*
- *компьютерда ишлашни билиши (Windows, Microsoft Word & Excel);*
- *банк соҳаси ёки инвестицион компанияларда камида 3 йил меҳнат стажига эга бўлиши;*
- *матбуот хизмати йўналиши учун номзодларга журналистика мутахассислиги бўйича маълумоти ёки оммавий ахборот воситаларида меҳнат стажига эга бўлиши;*
- *Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда қайд этилган бўлиши шарт!*

**Телефонлар: 78-54-31, 173-69-15, факс 173-86-88.**

***ТАНЛОВ ЧЕГАРАЛАНГАН.*** ***Резюмелар эълон чоп этилгандан сўнг бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:***



**700096, Тошкент ш., Қатортол к., 46-уй.**

5406/399

# ХАЛҚАРО ТЕНДЕР

## ДИҚҚАТ!

**Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш (II босқич) лойиҳаси бўйича халқаро ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

2002 йил 7 мартдан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки томонидан ажратилган маблағ (кредит) ҳисобига Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш (II босқич) лойиҳаси бўйича халқаро тендер эълон қилди. (ЯХҲБ( JBIC) 1999 йил 14 декабрдаги № UZB–P4 кредит келишувига асосан, кредит қиймати 12.7 млд. йен).

**Тендерга № 3-Лот "Симсиз абонент линиялари" (WLL) бўйича дастлабки танловда муваффақиятли иштирок этган фирма ва компаниялар таклиф этилади.**

**Дастлабки танловда муваффақиятли иштирок этган фирма ва компаниялар** тендер ҳужжатларини 2002 йил 7 мартдан бошлаб шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни маҳаллий вақт билан соат 10.00дан 15.00гача Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлимидан, яъни қуйидаги манзилдан олишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 137-45-32, 137-46-40. Факс: 144-51-26.
Эл.почта: interdep@uzpak.uz**

***Тендер ёпилиши ва иштирокчилар таклифлари очилиши санаси ва вақти — 2002 йил 2 май маҳаллий вақт билан соат 11.00да.***

## ATTENTION

**TENDER on "Telecommunications Network Expansion Project in the Republic of Uzbekistan (II)" was ANNOUNCED**

The Posts and Telecommunications Agencyof the Republic of Uzbekistan announced an International Tender on "Telecommunications Network Expansion Project in the Republic of Uzbekistan (II)" funded by Japan Bank for International Cooperation (JBIC, Loan Agreement No. UZB-P4 dated December 14, 1999, Loan Amount is 12.7 billion JPY) from March 07, 2002.

**The Companies and Firms, which successfully passed Pre-Qualification for Lot № 3 "Wireless Local Loop System (WLL)", are invited.**

**The Companies and Firms which successfully passed Pre-Qualification** may obtain the Tender Documents in the International Relations Coordination Department of the Posts and Telecommunications Agency of the Republic of Uzbekistan each day except Saturday and Sunday (from March 07, 2002), from 10-00 to 15-00 (local time) bythe address:

**Tashkent, Tolstoy St., 1
Tel.: 137-45-32, 137-46-40 Fax: 144-51-26
e-mail: interdep@uzpak.uz**

***Date and time of the Bidding closing and participants' proposals opening are May 2, 2002 11.00 local time.***

## ВНИМАНИЕ!

**ОБЪЯВЛЕН ТЕНДЕР по проекту "Расширение телекоммуникационной сети Узбекистана, II этап".**

Узбекское агентство почты и телекоммуникаций объявило с 7 марта 2002 г. международный тендер по проекту "Расширение телекоммуникационной сети Узбекистана, II этап", финансируемому Японским банком международного сотрудничества (JBIC, кредитное соглашение № UZB-P4 от 14 декабря 1999 года, сумма кредита 12,7 млрд. йен).

**Приглашаются компании и фирмы, успешно прошедшие предварительный отбор по ЛОТу №3 "Системы беспроводного радио доступа (WLL)".**

**Компании и фирмы, успешно прошедшие предварительный отбор,** могут получить тендерные документы с 7 марта 2002 года с 10.00 до 15.00 местного времени — ежедневно, кроме субботы и воскресенья в отделе координации международных связей Узбекского агентства почты и телекоммуникаций по адресу:

**г. Ташкент, ул. Толстого, 1.
Тел.: 137-45-32, 137-46-40. Факс 144-51-26.
e-mail: interdep@uzpak.uz**

***Дата и время закрытия тендера и вскрытия предложений участников — 2 мая 2002 года в 11.00 по местному времени.***

5421/445

